O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 29 апрель ЧОРШАНБА ● № 34 (12.149)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари – Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди.**

Ушбу жамғармага Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида асос солинган. Унинг асосий мақсади Орол инқирози туфайли зиён кўрган ҳудудларда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

Олмаота учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Маълумки, 1994 ва 2002 йилларда Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларга мувофиқ қатор лойиҳалар амалга оширилди. Амударё дельтасида сунъий ҳавзалар барпо этиш, Орол денгизининг қуриган қисмида дарахт кўчатлари ўтказиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Президентлар жамғарма Ижроия қўмитасига Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатларнинг янги дастурини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Бугун Орол инқирозининг даҳшатли оқибатлари ҳеч кимга сир эмас. Амударё дельтасининг ўзида кўллар майдонига оид кўрсаткич 26 минг гектарга тушиб қолган. Денгиз атрофида юзлаб километрларга чанг ва туз тарқалмоқда. Шўрхок ерлар майдони кенгайиб, бу борадаги кўрсаткич 85 минг гектардан 273 минг гектарга кўтарилди. Қамишзор ва тўқайлар майдони эса, аксинча, 20-25 баробар қисқарди. Дарёларда сув камайиши ичимлик суви таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, денгиз қуриши эса унинг атрофида иқлим ўзгаришларига олиб келди.

Президентлар Орол бўйида экологик вазиятни яхшилаш, бу ҳудудда бажарилиши зарур бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелиорацияси соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикрлашдилар.

Президентлар сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотлари барпо этиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Айни пайтда трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар янги ГЭСлар қуриш ниятида экани яхши маълум. Бундай ҳаракатлар трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмидаги давлатларга жиддий зиён етказиб, минтақадаги мураккаб экологик аҳвол янада ёмонлашишига олиб келади. Марказий Осиё фаол сейсмик зона эканини ҳисобга олсак, тўғонларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам юзага чиқади.

Шундай экан, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншооти қуриш учун барча қўшни давлатлар билан бамаслаҳат иш тутиш, халқаро экспертларнинг мустақил экспертизасини ташкил қилиш, уларнинг тўғонлар хавфсизлиги кафолатлангани ва экологияга путур етмаслиги тўғрисидаги хулосасини олиш зарур.

Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ўзаро келишган ҳолда ечишга қодир. Сув-энергетика захираларидан фойдаланиш масаласи, айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётгандек, ечими йўқ муаммо эмас. Бу борада маслаҳатлашувлар қизғин мунозара билан ўтиши мумкин. Лекин бу минтақа давлатлари ўзаро келиша олмайди, дегани эмас. Чунки Марказий Осиёдаги бирор давлатда муаммо юзага келса, минтақанинг бошқа мамлакатларига ҳам таъсир кўрсатиши барчага аён. Шу боис қўшни давлатлар бир-бирининг барқарорлигидан манфаатдордир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент – Олмаота – Тошкент.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илғор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Женерал Моторс" корпорацияси ва Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Турин политехника университети (Италия Республикаси), "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналари томонидан нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиладиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Турин политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Университетнинг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Университет Турин политехника университети (Италия Республикаси) билан тузиладиган сервис ва лицензия битимлари асосида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда,

2-иловага мувофиқ асосий таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча даражалардаги мутахассислар, шу жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди, шунингдек, кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Университет битирувчиларини аттестациядан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Турин политехника университетида (Италия Республикаси) белгиланган тартиб, талаб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

талабаларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, Турин политехника университети (Италия Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади.

Университетга 2009/2010 ўқув йиллари учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгилансин.

4. Турин политехника университети (Италия Республикаси):

Университетда илғор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга асосланган ҳолда, ўқув-услубий раҳбарликни ва ўқув жараёнини амалга оширишни таъминлаши;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техника адабиётлари билан тўлдиришга, ўқув-лаборатория базаси ҳамда замонавий ахборот марказини ташкил этишга кўмаклашиши;

ўзбекистонлик ёш ва истиқболли илмий-педагог кадрларнинг малакасини, шу жумладан чет элда оширишга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

(Давоми 2-бетда).

*Вилоят ҳокимлигида*

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**Вилоят фаоллар йиғилиши 2009 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш бўйича Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларига бағишланди. Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида вилоятда макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланди. Авваламбор, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга ўсгани қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 10,2 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 7,6 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 7 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12,4 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 14,3 фоизга, чакана савдо айланмаси 17,8 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 24,3 фоизга ортди.

Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда вилоятда аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Биринчи чорак мобайнида шаҳар ва туманларда 18 мингта янги муқим иш жойлари яратилгани шундан далолатдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига 34,5 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Чорвачиликни ривожлантириш ҳаракатлари ҳам тобора жадаллашмоқда. Натижада қорамоллар бош сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4, паррандалар 8,1 фоизга кўпайди. Балиқчилик, асаларичилик тармоғини кенгайтириш, ҳар бир ҳудудда эҳтиёжга мувофиқ иссиқхоналар фаолиятини йўлга қўйишда ҳам мавжуд имкониятлар ишга солинаяпти.

Бироқ, шунга қарамай, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани чуқур таҳлил асосида танқид қилинди. Хусусан, хорижий инвестиция киритилган 16 та корхона ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган, Юқоричирчиқ, Оққўрғон каби бир қатор туманларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши ҳануз талаб даражасида бўлмаяпти.

Фаоллар йиғилиши "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури бўйича белгиланган вазифалар ижросини ҳам атрофлича муҳокама қилди. Бу борадаги камчиликлар ўртага ташланиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.



## ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Тошкентда 28 апрель куни II Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси очилди***

Мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар қисқа муддат ичида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва шу асосда ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имкониятига эга бўлди. Улар "Ўзэкспомарказ"да очилган II Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасида сўнгги йилларда Ўзбекистонда яратилган энг истиқболли технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича бевосита шартномалар тузиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда.

Инновациялар ярмаркасида вазирликлар, идоралар, банклар, миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, жумладан, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ярмарканинг очилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад халқимиз фаровонлигини, биринчи навбатда, мамлакатимиз ва дунёда харидоргир бўлган, ўзининг юқори сифати билан ажралиб турадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда кенгайтириш орқали ошириш учун миллий иқтисодиётимиз ва унинг жаҳон майдонидаги юқори мавқеини янада мустаҳкамлашдан иборат экани таъкидланди. Ушбу вазифа, айниқса, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ғоят долзарб аҳамият касб этади. Мазкур вазифанинг бажарилиши давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим таркибий қисмидир. Ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш дастурнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш билан бир қаторда келажакда уни изчил ривожлантириш учун янги ва истиқболли йўналишларни очади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз томонидан белгиланган сиёсат – босқичма-босқич ривожланиш бўйича ўз моделимизни рўёбга чиқариш асосида ташкил этилган миллий иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги бунинг кафолатидир. Ушбу сиёсатнинг оқилона ва тўғри эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Нафақат мамлакатимизнинг хилма-хил табиий ресурсларга бойлиги, улкан ишлаб чиқариш қувватлари, илмий-техник ва кадрлар салоҳияти, балки улардан омилкорлик билан самарали фойдаланиш ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришнинг мустаҳкам асосидир. Натижада 2008 йилда, жаҳоннинг кўплаб минтақаларида иқтисодий ўсиш пасайган бир пайтда, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 9, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тегишли равишда 12,7 ва 4,5 фоизни ташкил қилди, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам барқарор ривожланди. Хорижий сармояларни жалб қилиш ва ўзлаштириш учун ғоят қулай шарт-шароитлар яратилди. Кейинги икки йилда хорижий сармоялар миқдори 2,5 баравардан ошди. Шуниси эътиборлики, ўтган йили ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга кўпайди, экспорт таркибида тайёр маҳсулот улуши ортиб бораётир.



Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Буларнинг барчасига муайян даражада янги, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари ва услубларини ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, маҳаллий хомашёдан янада самарали фойдаланиш туфайли эришдик. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар ҳажмини, таннархини камайтиради ва рақобатбардошлигини оширади.

Ярмаркада намойиш этилаётган ва кейинги вақтда республикамизнинг 120 дан ошиқ илмий ташкилот ва олий ўқув юртларида яратилган қарийб 600 дан зиёд энг яхши технология ҳамда ишланмалар жаҳон бозорларида сифати билан бемалол рақобатлаша оладиган, экспортбоп ва импортга йўналтирилган ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу янгиликлар саноат, қишлоқ

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРИ БОР

**Мамлакатимиз энергетика тизимига юқори кучланишли ускуналар етказиб беришда Чирчиқ шаҳридаги "Элус" илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг алоҳида ўрни бор.**

Ҳозир 250 нафар киши меҳнат қилаётган корхона ўтган йили 2 миллиард 251 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Аҳамиятли томони, ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кенгайтириб бораётган корхона маҳсулотларини эндиликда хорижга ҳам экспорт қилаяпти.

Маҳсулотлар сифатини халқаро талаб даражасига келтиришда Тошкент давлат техника университети олим ва мутахассислари билан қилинаётган ҳамкорлик қўл келмоқда.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

**Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи спорт мажмуасида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда туман ҳокими кубоги учун волейбол ва шахмат бўйича спартакиада ўтказилди.**

Унда тармоқ бошланғич ва ҳудудий касаба ташкилотлари ҳамда ушбу коллеж жамоалари ўртасидаги беллашувлар қизғин тус олди. Волейбол бўйича 3-ўринни Бошқизилсой ва Навбаҳор қишлоқ бирлашган касаба ташкилоти жамоаси эгаллади. 1-2-ўринлар учун "Абдуҳамид-Абдувоҳид" фермер хўжалиги ҳамда Чанги қишлоқ бирлашган касаба ташкилоти жамоалари ўртасида ўтказилган финал баҳси ҳам кескин ва муросасиз кечиб, "Абдуҳамид-Абдувоҳид" фермер хўжалиги жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Шахмат бўйича баҳсларда эса Эргаш Хайрихўжаев ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга кубок ва дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

# ИНФЕКЦИЯ ЙЎЛИГА МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ ҚЎЙИЛДИ

**Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, Мексика пойтахти Мехикода янги респиратор касаллиги – "чўчқа гриппи" тарқалгани кузатилмоқда ва у баъзи ҳолларда одамлар ўлимига сабаб бўлмоқда. АҚШ, Канада, Бразилия, Янги Зеландия, Исроил ва Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида ҳам ушбу касалликка чалиниш ҳолатлари аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу касалликни "соғлиқни сақлашга халқаро даражада хавф соладиган" грипп тури деб эълон қилди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр Ниёзматовдан мамлакатимизда ушбу хавфли инфекциянинг ҳудудимизга кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.**

– Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади, – деди Б. Ниёзматов. – Бу борада турли касалликлар, биринчи навбатда, юқумли касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳар қандай инфекция йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, жумладан, унинг республикамиз ташқарисидан кириб келишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар амалда ўзининг самарадорлигини бир неча бор исботлади. Сайёрамизнинг турли минтақаларида вақти-вақти билан қайд этилаётган "парранда гриппи" ва бошқа хавфли юқумли касалликларнинг олди олингани бунга яққол мисол бўла олади.

Бугун кўплаб давлатлар билан ҳаво ва ер усти транспорти орқали тўғридан-тўғри қатновлар амалга оширилмоқда, республикамизга минглаб турдаги маҳсулотлар олиб келинмоқда. Бу эса давлат санитария ва эпидемиология назорати хизмати ходимларидан ўта ҳушёрликни талаб қилади. Чунки фақат респираторли юқумли касалликларни қўзғатувчиларнинг ўзи бир неча юзтага етади. H1N1 гриппининг янги штамми ҳам шулар жумласидандир. Хорижлик мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу навбатдаги вирус-мутант бўлиб, у таркибида парранда, чўчқа ва инсон гриппи генлари бўлган гибрид ҳисобланади. Янги вирусни юқтирган одамда оддий гриппга ўхшаш ташқи белгилар пайдо бўлиши мумкин. Аммо у қатор ҳолларда ниҳоятда оғир асоратлар, шу жумладан, заҳарли пневмонияга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу касаллик ҳаво-томчи орқали, яъни йўталганда, аксирганда, маиший алоқа йўли, масалан, умумий идиш ва гигиена воситаларидан фойдаланилганда юқади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги респираторли инфекция профилактикаси ва унинг республикамизга кириб келишининг олдини олиш бўйича алоҳида ишлар режаси тузилди. Бу борада мониторингни амалга ошириш учун республика штаби ташкил этилди ва унга юқори малакали мутахассислар жалб қилинди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тиббиёт ходимлари учун семинар-тренинглар ташкил қилинди. Вилоятлар ва пойтахтимиздаги вирусология лабораториялари бугун "чўчқа гриппи" қўзғатувчисини ўз вақтида аниқлаш учун зарур ташҳис қўйиш воситаларига эга. Касалликни юқтирганликда гумон қилинган беморлар мажбурий тартибда юқумли касалликлар шифохоналарида тайёрлаб қўйилган алоҳида палатага жойлаштирилади. Бунинг учун зарур миқдорда гриппга қарши аломатларни йўқотадиган ва дезинфекцияловчи препаратлар, шунингдек, тиббиёт ходимлари учун индивидуал ҳимоя воситалари мавжуд. Бундан ташқари, одамлар гавжум жойларда, транспорт, болалар боғчалари, ўқув юртларида профилактика ва дезинфекция ишлари кучайтирилди.

Аммо, ҳозирги энг асосий вазифа – бу, сўзсиз, ушбу инфекция бўйича эпидемик вазият ёмон бўлган мамлакатлардан "чўчқа гриппи" кириб келиши хавфининг олдини олишдир. Давлат чегараларимиз кесишган жойларда, жумладан, аэропортлар ва темир йўл бекатларида санитария-назорат пунктлари ишлаб турибди. Ушбу пунктлар, биринчи навбатда, халқаро аэропортларда жойлашган пунктлар эпидемияга қарши назоратни кучайтириш мақсадида қўшимча махсус асбоблар ва дезинфекция воситалари билан таъминланди.

Аҳоли ўртасида санитария-маърифат йўналишидаги ишларга катта эътибор қаратилмоқда, маҳаллалар, ўқув юртлари, корхоналарда мутахассислар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, респиратор касалликларининг олдини олиш чоралари тушунтирилган плакатлар, рисолалар чоп этилди. Одамлар соғлом турмуш тарзи ҳар қандай инфекцияга қарши энг яхши ҳимоя эканини яхши билиши даркор.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда грипп инфекциялари бўйича эпидемик вазият яхши бўлишига қарамай, хотиржамликка берилмаслик лозим. Бу борада Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дунёда "чўчқа гриппи" пандемияси пайдо бўлиши хавфи билан боғлиқ вазият муҳокама этилди. Вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ушбу инфекциянинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди, бу йўналишдаги ишларни кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА мухбири**
**А. ИВАНОВА**
**ёзиб олди.**



# ТАЪЛИМНИНГ ДАВОМИ КОЛЛЕЖДА

**Умумтаълим мактабларида ўқув йили охирлаб, битирувчи синф ўқувчиларини "Ким бўлсам экан?" деган савол ўйлантирмоқда. Шу муносабат билан айни кунларда олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида битирувчилар учун "Касблар фестивали" доирасида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилаётир.**

Ўртачирчиқ саноат-сервис касб-ҳунар коллежида ҳам шундай тадбир ташкил этилди. Унда мактабларнинг мингдан зиёд битирувчилари, уларнинг ота-оналари, корхона, муассаса ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, коллежда талабаларга яратилган шарт-шароитлар, билим олиш имкониятлари, касб йўналишлари билан танишдилар, ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Коллеж чевар қизлари тиккан миллий ва европача либослар намойиш этилди. Шунингдек, талабалар ихтиро қилган ва ясаган турли радиотехника воситалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ҳар бир гуруҳ тайёрлаган байрам дастурхони ва бадиий чиқишлар тадбирга файз киритди.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

**СУРАТДА:** тадбирдан лавҳа.

**Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.**

# ДУНЁҚАРАШ СОҒЛОМ БЎЛСА...

**Инсон яратилибдики, ахборот олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланишга эҳтиёж сезиб келади. Бугун жамият ҳаётининг турли жабҳаларини компьютерлаштириш, электрон коммуникациялар ҳамда шу кўринишдаги маълумотлар оқими, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўлами янада кенгайиб, янги мустақил давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий омиллар билан бир қаторда унинг ахборот хавфсизлиги масаласи ҳам долзарблашмоқда.**

Бу борада сўз борганда, ахборот оқимлари ўз моҳиятига кўра жамиятнинг, давлатнинг миллий манфаатларига мос ёки зидлигини назарда тутиш лозим. Гап шундаки, ахборот оқими ўз моҳиятига кўра, маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Унинг ёшлар онгига қанчалик таъсир кўрсатиши қўйилган мақсаднинг нечоғлик пухта йўналтирилганига қараб белгиланади.

Шу ўринда ёшларимизнинг мафкуравий иммунитети бугун қандай шаклланган, деган савол туғилиши табиий. Мафкуравий иммунитет, яъни ҳар қандай ахборот таъсирига тушиб қолмаслик, аввало, ўша инсон онгу тафаккури, иродаси нечоғлик ўткирлигига, чуқур мушоҳада қилиш қобилиятига боғлиқ.

Бундай кўникмани ҳосил қилиш инсон туғилганидан то шахс сифатида шакллангунига қадар давом этади. Хусусан, бунда ҳар бир йигит-қизнинг кўп ўқиши, ўз мамлакати тарихини ўрганиши, миллий қадрият ва анъаналари, урф-одатларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбия топиши, бир сўз билан айтганда, унда миллий ғурурнинг мустаҳкам шаклланиши муҳим ўрин тутади. Ўз миллати қадриятларини эъзозлаган, ўз тарихини билган, эътиқоди мустаҳкам ёшларнинг ахборот оқимларининг таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кам. Чунки, бундай ёшларда масалага ўзига хос ёндашув, таҳлил шаклланган бўлади. У ҳар қандай ахборот замиридаги асл мақсадни ўргана бошлайди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобидаги мазкур жумлалар беихтиёр эътиборни тортади. "Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин..."

Шундай экан, ҳозирги шиддатли бир даврда, айниқса, ёшларнинг маънавий қарашларини тўғри шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг асосий бўғинига айланмоғи жоиз.

**Жамшид ҲАМРОЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

*Туман матбуоти*



***...Кечга яқин таҳририятга бир аёл кириб келди.***
***– Узр, синглим, – деди у йўлакда рўпара бўлган мухбир қизга, – дўкондан кофе сотиб олувдим. Уйга бориб қарасам, идиши тагидан ёрилган...***
***– Дўконга қайтармабсизда, истеъмолчи сифатида бунга ҳаққингиз бор эди, – тушунтирди мухбир.***
***– Ҳамма гап шунда-да, – куюнди аёл. – Сотувчи бизда сотилган маҳсулот қайтариб олинмайди, дея сўзида туриб олди.***
***Муаммони англаган мухбир Дилноза Қурбонова аёлни бош муҳаррир ҳузурига бошлади.***
***– Ҳаммаси тушунарли, – деди ўзини Азиза Сафарова деб таништирган аёлнинг дардини батафсил эшитган муҳаррир Камола Умаралиева. – Ҳозир мухбиримиз сиз билан биргаликда дўконга боради.***

# ГАЗЕТАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Журналист аралашуви билан сифатсиз идишдаги қаҳва дўконга қайтарилди. Сотувчининг хизмат мажбуриятлари ҳамда истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқлари хусусида бир чимдим "маъруза" қилган Дилноза таҳририятга қайтди.

Газета босмага берилгач, аҳоли мурожаатлари бўйича навбатдан ташқари ўтказилган кичик йиғилишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуида мутахассисларнинг чиқишлари ҳамда "Сўранг, жавоб берамиз" рукни остидаги мақолалар мавзусини бойитиш масаласида кенгашиб олинди.

– Шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси, ҳуқуқ-тартибот, ижтимоий соҳа ҳамда коммунал хизмат тизимлари вакиллари иштирокида жойларда ўтказилаётган сайёр йиғилишларнинг бу галгиси олдингиларига нисбатан кенгроқ давра олди, – дейди шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Зулфиқор Холиқулов. – Қизғин баҳс ва мунозаралар, савол-жавоблардан кейин хулоса қилдимки, аҳоли мурожаатларини фақат идорада эмас, балки шундай учрашув ва суҳбатлар жараёнида ҳам ўрганиш, ҳал қилиш мумкин экан. Бу борада биз кенг аҳоли ҳамда маҳаллий матбуот билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Дарҳақиқат, Олмалиқ шаҳрининг ижтимоий-сиёсий газетаси "Олмалиқ ҳақиқати" ўз саҳифаларида долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларнинг ечимини топишга кўмаклашиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор йўналишларда аҳолининг яқин ёрдамчиси, эркин минбарига айланган. Асосан ёш журналистлардан ташкил топган ижодий жамоа обунани ташкил этиш, газетани янада ўқишли, қизиқарли тайёрлашда анча-мунча тажрибага эга.

Ўтган йил натижаларига кўра, таҳририят 14 миллион сўм фойда кўрди. Шунинг ҳисобидан "Лада – 2107" хизмат автомашинаси, иш кабинетлари учун жиҳозлар, сўнгги русумдаги компьютер жамланмаси сотиб олинди. Бундан ташқари шу йилнинг март ойидан газетага илова сифатида "Қурама" адабий-кўнгилочар газетаси чиқара бошланди.

– Кўҳна Қурама тоғлари қайси шоирнинг, қайси хонанданинг юрагига илҳом бағишламаган, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов. – Сир эмас, санъатда Тошпўлат бўлиб танилишимга ҳам Барот Бойқобилов шеъри асосида ижро этган илк қўшиқларимдан бири – "Қурама" сабаб бўлган. Ўйлайманки, адабий-кўнгилочар "Қурама" газетаси ҳам мазмунли чиқишлари билан ўз муштарийларининг яқин ҳамроҳига айланади.

– Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасининг 2009 йил 23 февралдаги 03-056 рақамли давлат реестри билан рўйхатга олинган бу илова нашрда кўнгилочар мавзудаги ранг-баранг материаллардан ташқари телевидение кўрсатувлари дастури, реклама ва эълонларга ҳам кенг ўрин берилади, – дейди Камола Умаралиева. – Сир эмас, бу бозор иқтисодиёти талабларидан бири. Ҳар бир корхона ёхуд ташкилот ўзининг иқтисодий аҳволини қўшимча манбалар ҳисобига яхшилашга ҳаракат қилади. Бизнинг мақсадимиз ҳам шу. Келажакда хўжалик ва тадбиркорлик субъектлари билан шартнома асосида тижорат материаллари тайёрлашни, шунингдек, обуначиларга газета етказиб беришни ички имкониятларимиз асосида йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** таҳририят ижодий жамоаси навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқда.

**Муаллиф олган сурат.**

# МУҲИМ ҲАЁТИЙ ДАСТУР

**Айни кунларда дунёнинг қай нуқтасига назар ташламанг, барча давлатларда иқтисодий инқироз борган сари илдиз отиб кетаётганига гувоҳ бўласиз. Бунинг натижасида эса, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб, минглаб одамлар ишсиз қолмоқда. Мамлакатимиз эса бу жараённинг аянчли оқибатларига муносиб туриб, курашмоқда.**



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил қўллаб-қувватланаётганлиги боис янги кўплаб корхоналар ишга тушмоқда, фуқароларимиз муқим иш билан таъминланмоқда.

Бу борада гап кетганда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганини алоҳида таъкидлаш лозим. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, унинг олдини олиш ва юмшатиш омиллари ҳамда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари аниқ кўрсатиб берилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий таъсирининг олдини олиш борасида ҳукуматимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар эртанги кунимиз бунданда фаровон бўлишидан далолатдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда фуқаролар фаровонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юртдошларимизни жаҳон иқтисодий инқирози таъсиридан муносиб ҳимоялаяпти, деб бемалол айтиш мумкин. Негаки, инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш учун мамлакатимизда барча чоралар кўрилиб, имкониятлар ишга солинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган «Инқирозга қарши чоралар» дастури мулкдорлар, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, озиқ-овқат ва истеъмол моллари нархини сезиларли даражада пасайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда бугунги вазиятнинг таҳлили, энг аввало, фуқаролар фаровонлиги ва жаҳон бозорида мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга йўналтирилган дастурнинг нечоғлик асосли ва ҳаётий эканлигини тасдиқлайди.

**Жамила ҚОДИРОВА,**
**нотариус.**

*Билиб қўйган яхши*

# БОЛАНГИЗ БАЛОҒАТГА ЕТЯПТИ



**Ўсиш – бола организмининг асосий биологик жараёни ҳисобланади. У болалик даврига хос бўлиб, тана вазни ва шакли ўзгаришларини, организмнинг физиологик фаолияти ва балоғатга етиш давридаги аломатларини ўз ичига олади.**

Ўсиш миқдорий жараён бўлиб, бунда бўй узаяди ва тананинг вазни ошади. Улғайиш эса, ҳужайра ва органларнинг ўзига хос сифат ўзгаришларидир.

Организмдаги ўсиш ҳужайралар сонининг ошиши ёки уларнинг катталашуви билан ифодаланади. Бу жараённи шартли равишда 7 даврга бўлиш мумкин: бола туғилишидан олдинги давр (280 кун), туғилгандан сўнгги давр (4 ҳафта), эмизикли даври (1 ёшгача), сут тишлари чиқиш даври (1 ёшдан 7 ёшгача), мактаб даври (кичик ва ўрта - 7 ёшдан 14 ёшгача), балоғат даври (қизларда 10-14, ўғил болаларда 11-14 ёш), ўсмирлик даври (14 дан 18 ёшгача).

Бу даврларда физиологик ўсиш жараёни турлича кечиши, ички ва ташқи муҳит таъсирига қараб, у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Агар одатда, янги туғилган ўғил боланинг ўртача оғирлиги 3-3,5 килограмм, қиз боланики 2,8-3,3 килограмм бўлса, бола вазни 6 ойлигида икки ва бир ёшга тўлганда уч баравар ошиши керак. Бир ёшдан сўнг, вазннинг ошиши секинлашади ва ҳар ойда 150-250 граммгача ошади.

Бўй ўсиши ва унинг қонуниятлари яхши ўрганилган. Масалан, боланинг бўйи 6 ойликкача 16-17 см, 6 ойдан 1 ёшгача 8 см, 1 ёшдан 2 ёшгача 10-11 см, 2 ёшдан 5 ёшгача 6 см, 5 ёшдан балоғат ёшигача бўлган даврда ҳар йили 5-6 см. ўсади. Балоғат ёшида эса, бўй ўсиши яна ортади: ўғил болаларда ўрта ҳисобда 9,5 см, қизларда 8 см.гача. Аммо зўр бериб ўсиш қизларда тахминан 12 ёшларда бошланади, ўғил болаларда эса, кечроқ, 14 ёшларда энг юқори даражага кўтарилади.

Бўй ўсиши балоғат давридан кейин қизларда илгарироқ, ўғил болаларда кейинроқ сусаяди ва 18-20 ёшдан сўнг тўхтайди.

Балоғат даврида тана тузилиши ўзгаради: суяклар йўғонлашади, тери остидаги ёғ тўқималари ва мушаклар кенгаяди. Масалан, ўғил болаларда бўйнинг баландлиги ва елка кенглиги, қизларда эса, чаноқ ҳажмининг катталашуви кузатилади.

Организмнинг ўсиш ва улғайиш жараёни асосан эндокрин ва у билан ўзаро боғлиқ бўлган суяк-тоғай тизимларида кечади. Бундан ташқари тўғри ва тартибли овқатланиш, унинг таркибида керакли оқсил ва ёғ моддалари меъёрида бўлиши алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга фарзандларимиз минерал моддалар (темир, руҳ, калций) ва витаминларга (С, А, Д) бой маҳсулотларни истеъмол қилишлари керак.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

# МАҲАЛЛАНИНГ ХОТИРА КИТОБИ

**Олмалиқ шаҳар Аҳмад Яссавий маҳалла қўмитаси 9 май – Хотира ва қадрлаш куни шарафига жамоатчилик кўмагида уруш қатнашчилари ҳамда фронторти меҳнат фахрийлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Хотира китоби"ни яратди.**

– Йил бошида маҳалламизда истиқомат қилаётган фахрийлар билан "Уч авлод учрашуви"ни ўтказдик, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Марҳамат Холбоева. – Тадбир баҳона биз улардан кўплаб маълумотлар олдик. Марҳум уруш фахрийлари тўғрисида мақолалар тайёрлашда ҳамда тарихий суратларни тўплашда мактаб ўқувчилари катта ёрдам беришди.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**
**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оққўрғон туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Оққўрғон туман ЙҲХ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: 1. ЖИБ Тошкент туман судининг 07.01.2009 йилдаги 05-2009-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Нексия" русумли, д/р X128YTM бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 005 459 сўм. 2. ЖИБ Оққўрғон туман судининг 15.01.2009 йилдаги 39-2009-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Тико" русумли, д/р X396ZNM бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 124 440 сўм. 3. ЖИБ Оққўрғон туман судининг 16.02.2009 йилдаги 102-2009-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Ауди В4" русумли, д/р X847NNDM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 895 553 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 01036, ИНН 200933850, 20210000300571452114. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

**Савдоларга марҳамат!**

